Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
6 январь
ЧОРШАНБА
№ 2 (12846)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Таълим

## БУГУННИНГ ЁШЛАРИ – ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ

**Истиқлолнинг илк кунлариданоқ таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга, ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва замон талаблари асосида жиҳозлашга, ўқитувчи ҳамда мураббийларнинг малака ва маҳоратини ошириш баробарида жамият равнақига муносиб ҳисса қўшадиган кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз айтганларидек: "Янги авлодни тарбиялаш – халқни тарбиялаш дегани". Зеро, ҳар томонлама камол топган ўғил-қизлар юрт барқарорлигини таъминлайди.**



Зангиота тумани, Ҳасанбой қишлоғидаги 66-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг аксарияти фан олимпиадаларида муваффақиятли қатнашишади. Қолаверса, ушбу мактабни тамомлаган ўқувчиларнинг кўпи касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида ўқишни давом эттирмоқда. Айримлари эса, ўқитувчи, шифокор, иқтисодчи, муҳандис, тадбиркор бўлиб халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилаётир.

– Ўқитувчиларимиз ўз устида ишлаб, тинмай изланишлари сабаб, мақтагулик натижаларга эришаяптилар, – дейди мактаб директори Шоҳиста Ниёзова. – 2014-2015 ўқув йилида жисмоний тарбия ва иқтисод фани ўқитувчилари Саидхон Бойхўжаев ва Нигора Қаюмова "Йил ўқитувчиси" кўрик-танловининг туман, вилоят босқичларида ғолиб бўлиб, республикада фахрли 3-, 4-ўринларни эгалладилар. "Билимлар беллашувида" эса ўқувчиларимиз катта иштиёқ билан иштирок этиб, иқтидорларини намойиш этдилар. Вилоятда биринчи бўлган Абдураҳим Ҳакимжонов республикада ҳам ўзини кўрсатди.

Хуллас, ўқитувчи-ўқувчиларимиз ютуқлари ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин. Бироқ, буларнинг замирида тинчлик, ҳурлик, мустақиллик аталмиш неъмат ётганини унутмаслик керак.

Мактабнинг ахборот-ресурс маркази компьютер билан таъминланган, интернет тармоғига уланган. Шунингдек, турли бадиий асарлардан иборат каттагина китоб фондига эга. Шундан бўлса керак, бу ер доим ўғил-қизлар билан гавжум.

– Инглиз тилига қизиқаман, – дейди 9-синф ўқувчиси Шосалим Бахтиёров. – Интернетда инглиз тилидаги машғулотларни ўрганаман, бошқотирмаларни ечаман. Бу менга ўрганганларимни мустаҳкамлашда қўл келади. Насиб этса, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетига ўқишга кираман.

Шосалим "Инглиз тили билимдонлари" танловининг туман босқичида 1-, вилоятда 3-ўринни эгаллади.

Таълим даргоҳида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида фан ва спорт тўгараклари ташкил этилган. Шунингдек, қизлар учун тикувчилик, тўқувчилик, бисер тикиш, пазандачилик тўгараклари ишлаб турибди.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Тошкент вилояти ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## ВИЛОЯТДА ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН 2016 ЙИЛДА ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикасининг "Ижара тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1992 й., 1-сон 45-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон "Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2009 й., 15-сон 186-модда) талаблари асосида, вилоят ҳудудидаги бўш турган бино-иншоотлардан оқилона фойдаланиш, уларга бўлган эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш ҳамда кутилаётган харажатлар билан корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ижара тўловидан тушадиган даромадларни тартибга солиш мақсадида**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Давлат кўчмас мулклари бўйича келишилган ижара тўловларининг энг кам ставкаларининг ҳисоб-китоблари 2015 йил 23 декабрдаги 107-сон, БЮ/08-03-32-13/218 ва 406/01-14-сон хатлари билан белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Тошкент вилоятида Давлат кўчмас мулкидан 2016 йилда фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага, ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар 2-иловага ҳамда туман ва шаҳарлар марказларидан олисда ва тоғли ҳудудларда жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларининг рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат мулкини балансда сақловчиларнинг мансабдор шахслари:

йил чорагида камида бир марта ўзининг тасарруфида бўлган давлат мулкини хатловдан ўтказишлари;

фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларнинг марказга ўз вақтида, тўлиқ, шунингдек ижарага берилаётган мол-мулкнинг тикланиш қиймати тўғрисидаги тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги;

давлат мулкини ижара шартномаси тузмасдан ижарага бериш, ижара шартномасида ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сони атайлаб нотўғри қайд этилганлиги, бу ижара тўловининг яширилишига олиб келганлиги учун бевосита қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

4. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси ҳузуридаги Тошкент вилояти давлат мулкини ижарага бериш маркази давлат унитар корхонаси раҳбари (А. Хакимов)га:

давлат мулкини ижарага беришни ташкил этиш ва ижарага бериш;

ижарага берилаётган давлат мулкини ва уни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва мониторингини олиб бориш;

ижарага бериладиган давлат мулки бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;

ижара объектларидан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек, ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;

ижарага берилган давлат мулкини ҳар чораклик асосда хатловдан ўтказиш;

фойдаланилмаётган давлат мулки ижарага берилиши тўғрисидаги эълонларни ва ижарага берилаётган давлат мулки рўйхатини даврий нашрларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг веб-сайтларга жойлаштириш;

вилоят ҳудудида фойдаланилмаётган, бўш турган бинолар ва иншоотларни аниқлаб, самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган тартибда ижарага бериш вазифалари юклатилсин.

5. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Қ. Маматисаев), шаҳар ва туман ҳокимликлари, ҳудудларда ижара муносабатларини тартибга солиш, ижарага берилаётган давлат мулки ҳисоботини тўғри юритиш ва бюджетга қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида давлат мулкини балансда сақловчилар томонидан ижарага бериш самарадорлигини ошириш ва ташкиллаштиришда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси ҳузуридаги Тошкент вилояти давлат мулкини ижарага бериш маркази билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйсинлар.

6. Шаҳар ва туман ҳокимларига мазкур қарорнинг 2-иловасидан келиб чиқиб, мулкнинг жойлашган манзилини инобатга олган ҳолда ҳудудий зоналарни (1-2-3-4-зона) 2015 йил 30 декабрга қадар белгилаш юклатилсин.

7. Вилоят ҳудудида 2016 йилда давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг ноль ставкаси белгилансин.

8. Тошкент вилояти ҳокимининг 2014 йил 27 декабрдаги 327-сон "Вилоятда Давлат кўчмас мулкидан 2015 йилда фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари тўғрисида"ги қарори 2016 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарор 2016 йил 1 январдан кучга киради.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Абдуқодиров зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими А. УСМАНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 28 декабрь.

Сарҳисоб

**Ўтган 2015 йил мамлакатимиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда барча соҳалар қатори вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши учун ҳам ғоят салмоқли ва янгиликларга бой бўлди.**

## ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

Вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2015-2017 йиллар учун тузилган минтақавий келишувга биноан вилоятда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли, айниқса, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга изчил кўмаклашилди. Хусусан, шу йил касб-ҳунар коллежларини тамомлаган 37 минг 162 битирувчи 12 мингдан зиёд корхонага ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун бириктирилди. Эътиборлиси, битирувчиларнинг 36 мингдан зиёди билан корхона ва ташкилотларда амалиёт ўташни ташкил этиш ва кейинчалик ишга жойлаштириш мақсадида уч томонлама шартномалар тузилди.

Корхона ва ташкилотларда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилиш мақсадида вилоят ҳокимлиги, прокуратура, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, статистика ҳамда давлат солиқ бошқармалари билан ҳамкорликда иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш юзасидан иш берувчиларга 18 та расмий талабнома киритиб, ижроси таъминланди.

Меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳам касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Шунга мувофиқ, вилоятимиздаги 8751 та корхона ва ташкилотда жамоа шартномалари орқали 328 минг 412 ишчи-ходимнинг манфаатлари қамраб олинган. Хусусан, шу кунгача эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган, кўп болали ҳамда хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган 413 ходимнинг фарзандларига дарслик ва ўқув қуроллари олиб берилди. 1349 та корхона ишчиларининг 2709 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. Жамоа шартномалари орқали бир қатор корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ёш оила вакилларига узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар,

*(Давоми 2-бетда).*

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

## ТИББИЙ КЎРИК – САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

**"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондига қарашли тиббий-ижтимоий марказда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида хизмат қилаётган ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.**

Президентимизнинг 2015 йил 9 декабрдаги "Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Фармойиши ижроси доирасида ташкил этилган тадбирдан кўзланган мақсад ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳарбийлар оилаларининг тиббий-ижтимоий муҳофазасини янада кучайтиришдан иборатдир.

"Соғлом авлод учун" фонди томонидан бундай соғломлаштириш тадбирлари мунтазам ташкил этилмоқда. 2015 йилда тиббий-ижтимоий марказ ва ҳудудлардаги кўчма тиббий-ижтимоий гуруҳлар шифокорлари

*(Давоми 2-бетда).*



**Болалигимдан Ватан ҳимоячиси бўлишни орзу қилардим. Маҳалламиздаги йигитларнинг ҳарбий хизматга отланганини эшитсам, тезроқ катта бўлишни истардим. Кейинчалик улар билан суҳбат қургач, Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга билимли, юксак салоҳиятли ва ҳар томонлама чиниққан ёшларгина эриша олишини англадим.**

## ВАТАН – УЛУҒ, БУРЧ – МУҚАДДАС

Қизиқиш, ҳавас, қатъий ишонч ўз устимда мунтазам ишлаш, синов жараёнларига пухта ҳозирлик кўришга ундади. Бу саъй-ҳаракатларим бесамар кетмади, муддатли ҳарбий хизматга отландим. Барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, Ватан ҳимоячилари сафидан жой олдим.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ давомида ҳар бир йигит Ватани, халқи, оиласини чин дилдан севишни ўрганади, тинчлик аталмиш буюк неъматнинг нечоғли қадрли эканини чуқур ҳис этади. Бу Ватан олдидаги бурчни сидқидилдан ўташга ундайди.

Ҳарбий хизматчиларнинг таълим олиши, спорт билан шуғулланиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шароит яратилган. Бу билимимизнинг янада бойиши, дунёқарашимизнинг кенгайиши, соҳа сирларини пухта ўрганишимизда муҳим аҳамият касб этди. Бу жараёнда профессионал ҳарбий қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб топгандек бўлдим.

Бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан муддатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўташга, ишончга муносиб бўлишга астойдил ҳаракат қилдим.

Хизматга боргунча спорт билан мунтазам шуғулландим. Аммо у ердаги дастлабки кунларда жисмоний тайёргарлик борасида бироз қийналдим. Мунтазам шуғулланиш натижасида жисмонан чиниқдим. Спорт нафақат тана саломатлигини, балки ақлий қобилиятни ҳам яхшилашига амин бўлдим. Бу, айниқса, турли вазиятларга тушган вақтда жуда сезилади.

Мамлакатимиз Қуролли Кучларида ўз бурчини ўтаб қайтган йигитлар учун олий ўқув юртларига ўқишга киришда берилган имтиёзлардан фойдаланиб, талабалик бахтига эришдим. Президентимизнинг 2012 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетининг энергетика факультетига имтиёзли қабул қилиндим.

Мазкур қарорга мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасини олган ёшлар мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовлари давомида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 27 фоизи миқдорида имтиёзли баллга эга бўлмоқда. Бундай рағбат биз, ёшларда Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилиш туйғусини янада юксалтирмоқда.

Эндиликда муддатли ҳарбий хизмат давомида олган кўникмаларим асосида билим ва мутахассислик сирларини қунт билан эгаллашга астойдил ҳаракат қилмоқдаман.

Университетнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси сифатида турли фестиваллар, кўрик-танловларда иштирок этмоқдаман. Дунёдаги тенгдошлари билан баҳслашишга қодир ёшларимизнинг ютуқларини кўриб, қалбим фахр-ифтихорга тўлади, ғурурланаман.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ота-онаси, фарзанди учун, эл-юрт, она Ватан учун ўзини фидо қилишга тайёр бўлган инсонни ҳақиқий ўғлон дейдилар. Мен ҳам шу юртнинг ҳақиқий ўғлони бўлиб, давлатимиз равнақи учун ўз ҳиссамни қўшсам, дейман. Зеро, Ватан улуғ, бурчимиз муқаддасдир.

**Жавлон САФОЕВ,**
**Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети талабаси.**
**ЎзА.**

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИНИНГ «ВИЛОЯТДА ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН 2016 ЙИЛДА ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ИЛОВАЛАР

*1-илова*

**Тошкент вилоятида Давлат кўчмас мулкидан 2016 йилда фойдаланганлик учун қўлланадиган ижара тўловининг энг кам ставкалари**

| Т/р | Фаолият тури кодлари | Ижарага берилаётган майдонларда фойдаланиш мақсади | Бир йиллик энг кам ставка 1 кв.м/сўм |
|---|---|---|---|
| | | **САНОАТ** | |
| 1 | 11 200 | Ёқилғи саноати | 3 500 |
| 2 | 13 100 | Кимё саноати | 3 500 |
| 3 | 13 300 | Нефть-кимё саноати | 3 500 |
| 4 | 14 100 | Машинасозлик | 3 500 |
| 5 | 14 200 | Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати | 3 500 |
| 6 | 14 300 | Ҳисоблаш техника воситалари саноати | 3 500 |
| 7 | 14 400 | Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги | 2 800 |
| 8 | 14 500 | Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги | 2 800 |
| 9 | 14 600 | Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший асбоблар машинасозлиги | 2 800 |
| 10 | 14 710 | Санитар-техник ва газ ускуналари ҳамда буюмлари ишлаб чиқариш | 3 500 |
| 11 | 14 800 | Металл конструкция ва буюмлар саноати | 3 500 |
| 12 | 14 900 | Машина ва ускуналарни таъмирлаш | 3 500 |
| 13 | 14 780 | Машинасозликнинг бошқа тармоқлари | 3 500 |
| | | **ЎРМОНЧИЛИК, ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ САНОАТИ** | |
| 14 | 15 100 | Ўрмон, ёғоч тайёрлаш саноати | 3 500 |
| 15 | 15 200 | Ёғочни қайта ишлаш саноати | 3 500 |
| 16 | 15 300 | Целлюлоза-қоғоз саноати | 3 500 |
| 17 | 16 100 | Қурилиш материаллари саноати | 3 500 |
| | | **ЕНГИЛ САНОАТ** | |
| 18 | 17 100 | Тўқимачилик саноати | 3 500 |
| 19 | 17 200 | Тикувчилик саноати* | 3 500 |
| 20 | 17 300 | Чарм, мўйна ва пойабзал саноати | 3 500 |
| 21 | 17 900 | Енгил саноатнинг бошқа соҳалари | 3 500 |
| | | **ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ** | |
| 22 | 18 100 | Озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари) | 3 500 |
| 23 | 18 200 | Гўшт ва сут саноати | 3 500 |
| 24 | 18 300 | Балиқчилик саноати | 3 500 |
| 25 | 19 210 | Ун-ёрма саноати | 3 500 |
| 26 | 19 220 | Омухта ем саноати | 2 800 |
| 27 | 19 700 | Саноатнинг бошқа тармоқлари | 3 500 |
| | | **САНОАТНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИ** | |
| 28 | 19 300 | Тиббиёт асбоблари саноати | 3 500 |
| 29 | 19 400 | Нашриёт саноати | 9 900 |
| 30 | 19 740 | Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва уларга ишлов бериш* | 4 200 |
| 31 | 19 900 | Саноатда хўжалик бошқаруви | 9 900 |
| | | **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ** | – |
| 32 | 21 100 | Ўсимликчилик (шу жумладан, иссиқхона хўжалиги) 1 га | 1411200 |
| 33 | 21 200 | Чорвачилик ва паррандачилик | 1 700 |
| 34 | 21 300 | Балиқчилик (шу жумладан, питомниклар) 1 га | 1411200 |
| 35 | 22 200 | Ветеринария хизмати | 3 500 |
| 36 | 22 300 | Қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи бошқа ташкилотлар | 3 500 |
| 37 | 30 000 | Ўрмон хўжалиги (шу жумладан, боғлар) 1 га | 1411200 |
| | | **ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА** | |
| 38 | 51 111 | Умумфойдаланищдаги ер усти темир йўл транспорти | 3 500 |
| 39 | 51 121 | Автомобиль инфратузилмаси (автосарой, таксопарк, автомобиллар тўхташ жойи, гаражлар, автомобилларни ювиш шахобчалари) | 3 500 |
| 40 | 51 121 | Автомобиль инфратузилмаси (жарима майдони) | 900 |
| 41 | 51 520 | Аҳолининг буюртмаси бўйича юк ташиш хизмати ва бошқа транспорт-экспедиция хизматлари | 6 400 |
| 42 | 52 100 | Почта алоқаси | 3 500 |
| 43 | 52 200 | Курьер хизмати | 7 000 |
| 44 | 52 300 | Электрсимли алоқа | 7 000 |
| 45 | 52 300 | Радио, уяли ва пейджинг алоқаси (тортқич қозиқларининг умумий периметри бўйича, иншоот ва техник ҳудудлари қўшилган ҳолда) | 29 600 |
| | | **ҚУРИЛИШ** | |
| 46 | 60 000 | Қурилиш | 3 500 |
| 47 | 66 000 | Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ташкилотлари | 3 500 |
| | | **САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ** | |
| 48 | 71 100 | Улгуржи савдо | 9 900 |
| 49 | 71 130 | Товар (хизмат)ларни партияларга бўлиб сотиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи улгуржи бозор | 25 400 |
| 50 | 71 200 | Чакана савдо | 9 900 |
| 51 | 71 300 | Умумий овқатланиш* | 9 900 |
| 52 | 71 200 | Китоб дўконлари* | 1 400 |
| 53 | 71 400 | Маданий-маиший мақсадда ва хўжалик фаолиятида ишлатиладиган буюмларни ижарага бериш | 9 860 |
| 54 | 71 500 | Халқ истеъмол молларини олиш ва сотишда воситачилик хизмати | 15 500 |
| 55 | 80 000 | Моддий-техник таъминоти ва савдоси | 9 900 |
| 56 | 82 000 | Ахборот-ҳисоблаш бўйича хизматлар кўрсатиш | 9 900 |
| 57 | 82 100 | Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш | 9 900 |
| 58 | 83 000 | Кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар | 9 900 |
| 59 | 84 300 | Реклама, вакиллик хизмати | 9 900 |
| 60 | 84 400 | Аудиторлик фаолияти | 9 900 |
| 61 | 84 500 | Маркетинг тадқиқот, тижорат, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизматлари | 9 900 |
| 62 | 85000 | Ер қаъри конларини қидириш ва геологик ўрганиш, геодезия ва гидрометериология хизмати | 17 600 |
| 63 | 87 100 | Таҳририят ва нашриётлар | 5 600 |
| 64 | 87 300 | Металл чиқиндилари ва чиқинди хом ашёларни йиғиш ва тайёрлаш | 5 600 |
| 65 | 90 100 | Уй-жой хўжалиги (Уй-жой мулкдорлари ширкати объектлари) | 5 600 |
| 66 | 90 220 | Меҳмонхона хўжалиги | 11 300 |
| 67 | 90 300 | Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари | 5 600 |
| 68 | 90 300 | Сартарошхона, суратхона, модалар ательеси, пойабзал тузатиш | 8 500 |
| 69 | 90 300 | Ломбардлар | 12 700 |
| 70 | 90 300 | Ҳаммомлар | 17 000 |
| 71 | | Сауна ва бассейнлар | 33 900 |
| | | **СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ** | |
| 72 | 91 510 | Соғлиқни сақлаш | 7 000 |
| 73 | 91 600 | Дам олиш ва сайёҳлик* | 7 000 |
| 74 | 91 611 | Маданий кўнгилочар марказлар (бильярдхона, ўйин автоматлари, дискотекалар ва бошқа) | 11 300 |
| 75 | 91 700 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 3 500 |
| 76 | 71 212 | Дорихона муассасалари**, оптика ва тиббиёт жиҳозлари савдо дўконлари | 5 600 |
| | | **ТАЪЛИМ** | |
| 77 | 92 100 | Олий ва ўрта-махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлаш (шу жумладан, ўқув курслари ҳам)* | 5 600 |
| 78 | 92 200 | Ишчи ва бошқа ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш* | 4 900 |
| 79 | 92 310 | Умумтаълим болалар мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун)* | 2 800 |
| 80 | | Таълим ўқув муассасаларида умумий овқатланишни ташкиллаштириш* | 3 500 |
| 81 | 92 400 | Мактабгача тарбия (нодавлат таълим муассасалари учун) | 2 800 |
| 82 | 93 000 | Маданият ва санъат* | 9 900 |
| 83 | 93 132 | Кўргазмалар | 8 500 |
| 84 | 93 145 | Мактабдан ташқари тарбия | 2 800 |
| 85 | 93 160 | Маданий ва дам олиш боғлари* | 7 000 |
| 86 | 93 170 | Ҳайвонот ва ботаника боғлари* | 7 000 |
| 87 | 93 180 | Телекўрсатув ва радиоэшиттириш таҳририятлари (редакциялари) | 7 000 |
| 88 | 93 620 | Киностудия, овоз ёзиш студиялари | 11 300 |
| 89 | 95 000 | Илм-фан ва илмий хизмат кўрсатиш | 4 200 |
| | | **МОЛИЯ-КРЕДИТ ФАОЛИЯТИ** | |
| 90 | 96 000 | Молия, кредит, (суғурталаш ва аудиторлик фаолиятидан ташқари) нафақа таъминоти | 9 900 |
| 91 | 96 100 | Банк фаолияти | 9 900 |
| | | **ФАОЛИЯТНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ** | |
| 92 | 96 200 | Суғурталаш | 9 900 |
| 93 | 97 800 | Суд ва ҳуқуқ хизмати | 8 500 |
| 94 | 97 820 | Адвокатлик ҳайъати ҳамда ҳуқуқий маслаҳатхоналари | 8 500 |
| 95 | 98 000 | Жамоат бирлашмалари | 2 800 |
| 96 | 80 200 | Омборхона бино ва иншоотлари | 9 900 |
| 97 | | Давлат корхоналари учун офис | 4 200 |
| 98 | | Хусусий ташкилотлар учун офис | 15 500 |
| 99 | | Автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари | 11 300 |
| 100 | | Енгил автомобиль ва бошқа транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (шу ж., вулканизация) | 11 300 |
| 101 | | Ер ва тупроқ хусусиятлари тадқиқот лабораторияси | 7 000 |
| 102 | | Турли хил хизматлар учун тўловлар (пайнет) | 28 300 |
| 103 | | Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида савдо фаолияти | 15 500 |
| 104 | | Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида умумий овқатланиш* | 13 500 |
| 105 | | Авиакасса (шу жумладан, темир йўл, транспорт ва бошқа) | 15 500 |
| 106 | | Банкоматлар | 141 300 |
| 107 | | Нон ва булочка маҳсулотларини тайёрлаш | 9 900 |

*) Вилоятнинг чекка қишлоқ ва тоғли ҳудудларида жойлашган давлат мулки бўлган кўчмас мулклардан фойдаланганлик учун ижара тўлови миқдори 25 фоизга камайтирилади. Бунда, чекка қишлоқ ва тоғли ҳудудлар рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимлари қарорига мувофиқ тегишли коэффициентларни белгилаган ҳолда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари тасдиқланган пайтда белгиланади.

**) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 30 июндаги 07/10-41-сон мажлис Баённомасининг 11-бандига мувофиқ мулкий шаклидан қатъи назар, дорихона муассасаларининг филиаллари ҚВП биноларида фаолият кўрсатаётганлиги учун ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилади.

***) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 02/1-74-сонли топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Савдо бошқармасининг таркибий қисмлари учун ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар, ҳарбий қисм ва муассасалари ҳудудларида жойлашган кўчмас давлат мулкидан фойдаланганда ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилади.

****) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 июлдаги 02/107-2670-сонли топшириғига мувофиқ "Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати" ЎзЛиДеПнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар (шу жумладан, Миробод туман) Кенгашлари, шунингдек, "XXI аср" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти учун партия балансидаги тегишли давлат мулкларидан фойдаланганлик учун 2014 йил 1 августдан ижара тўловининг "ноль" ставкаси белгиланади.

*****) Бино ва иншоотларга бириктирилган, шунингдек, алоҳида ажратилган майдонларда (асфальтланган ёки бетонлаштирилган ҳудудларда) радио, уяли ва пейджинг алоқа антенналари ўрнатилганда фойдаланиладиган майдон учун ижара ҳақи тўловлари бино ва иншоотларга ўрнатилган антенналар учун белгиланган ижара ставкалари тортқич қозиқларининг умумий периметри бўйича, иншоот ва техник ҳудудлари қўшилган ҳолда туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти қўлланилган ҳолда ҳисобланади. Бунда, қурилиш тури бўйича коэффициенти (Кқ) қўлланилмайди.

*2-илова*

**Ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар**
**1-Ҳудудий зоналар коэффициенти**

| Т/р | Шаҳар ва туманлар номи | Зоналар | Ҳудудий зоналар коэффициенти |
|---|---|---|---|
| 1 | Олмалиқ шаҳри<br>Ангрен шаҳри<br>Чирчиқ шаҳри<br>Бекобод шаҳри, Зангиота тумани<br>Қибрай тумани | 1-2-3-4 зона | 1-зона -2,7<br>2-зона- 2,5<br>3-зона- 2,2<br>4-зона- 1,8 |
| 2 | Янгийўл тумани<br>Бўстонлиқ тумани | 1-2-3-4 зона | 1-зона -2,3<br>2-зона- 2,0<br>3-зона- 1,8<br>4-зона- 1,5 |
| 3 | Қолган туманлар (жами 10 та) | 1-2-3-4 зона | 1-зона -1,8<br>2-зона- 1,7<br>3-зона- 1,6<br>4-зона- 1,5 |

**2-Қурилиш тури бўйича коэффициенти (Кқ):**

- алоҳида турган бино - 1,5;
- бинонинг ички қисмида жойлашган ва тақаб қурилган - 1,0;
- бинонинг юқори қисми, чердак, болохона - 0,7;
- ярим ертўла, ертўла - 0,5.

**3-Туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти (Кх):**

- ер майдони мавжуд бўлганда 0,8.

**4-Тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти (Ко):**

- асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашганда - 0,5;
- иккинчи даражали автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашганда - 0,4.

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

**Тс = Эс * Кз * ( Кқ+Кх+Ко).**

бунда:

Тс – бир йилга бир кв.метр учун ижара тўлови таянч ставкаси.

Эс – бир йилга бир кв.метр учун энг кам ставка.

*3-илова*

**Туман ва шаҳарлар марказларидан олисда ва тоғли ҳудудларда жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларининг РЎЙХАТИ**

| Т/р | Маҳалла фуқаролар йиғини номи |
|---|---|
| | **Паркент тумани бўйича** |
| 1 | Янги МФЙ |
| 2 | Юқори МФЙ |
| 3 | Чинорли МФЙ |
| 4 | Қирғизовул МФЙ |
| | **Қуйи Чирчиқ тумани бўйича** |
| 5 | Гул МФЙ |
| 6 | Кушек МФЙ |
| 7 | Эркин МФЙ |
| | **Бекобод тумани бўйича** |
| 8 | Туркман МФЙ |
| 9 | Найман МФЙ |
| 10 | Ачамайли МФЙ |
| 11 | Пахтакор МФЙ |
| | **Бўка тумани бўйича** |
| 12 | Зафаробод МФЙ |
| 13 | Ровот МФЙ |
| 14 | Ўрта-тепа МФЙ |

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

## ТИББИЙ КЎРИК – САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

томонидан ҳарбий қисмларда ана шундай акциялар ташкил этилиб, уларга 13 мингдан зиёд ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари қамраб олинди.

Тиббий кўриклар давомида ҳарбийлар оилалари ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзи, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва бошқа долзарб мавзуларда тарғибот ишлари ҳам олиб борилди.

Навбатдаги соғломлаштириш тадбирига УТТ шифокори, терапевт, эндокринолог, ЭКГ мутахассиси, педиатр, акушер-гинеколог, офтальмолог каби малакали шифокорлар жамлангани тиббий кўрикнинг юксак савияда ташкил этилишида муҳим омил бўлмоқда.

– Барча шифокорлар кўригидан ўтдим, – дейди Феруза Юнусова. – Соғлом эканимни эшитиб, жуда қувондим. Албатта, бу она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар бир инсон малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиши борасида яратилган имкониятлар самарасидир. Бундай эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимиздан миннатдормиз.

**Б. ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Соғломлаштириш ҳафталиги

## ЖАМИЯТ КЎРКИ, МИЛЛАТ ТАЯНЧИ

**Соғлом оила, соғлом фарзанд – ёрқин келажак. Бу тушунчалар бир-бирига узвий боғлиқ. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга, репродуктив саломатликни яхшилашга, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга замин яратди.**

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида ташкил этилаётган соғломлаштириш ҳафталиклари бу борадаги хайрли ишларни янада кучайтирди десак тўғри бўлади.

Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали ҳамда вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази ходимлари ҳамкорлигида ташкиллаштирилган навбатдаги саломатлик ҳафталиги Оққўрғон ва Қуйи Чирчиқ туманларида бўлиб ўтмоқда. Мутахассислар, Оққўрғон туманининг "Хонобод", "Бирлик", "Гулистон", "Маданият" маҳаллалари аҳолиси билан учрашиб, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, ботулизм касаллигининг олдини олиш, репродуктив саломатлик ва тиббий кўрикнинг аҳамиятига доир мавзуларда маърузалар ўқиб, тушунтириш олиб бормоқдалар.

**Фарида КОМИЛОВА,**
**Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали мутахассиси.**

## ТАДБИРЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

**Республика Президентининг "2014-2018 йилларда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори айниқса, оналар ва болалар, фертиль давридаги аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш тадбирлари кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.**



Жумладан, Бекобод тумани тиббиёт бирлашмаси қошидаги болалар бўлими биносида 18 ёшгача бўлганлар даволанадилар. Улар учун барча қулайликлар яратилган.

– Келажагимиз давомчилари бўлмиш ёш авлод ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлишлари учун бўлимимиз ходимлари бор имкониятлардан самарали фойдаланишмоқда, – дейди бўлим мудири Салоҳиддин Сирожиддинов. – 6 шифокор, 72 ҳамшира болажонлар саломатлиги учун хизматда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** олий тоифали болалар шифокори Абдураззоқ Матмуродов ва ҳамшира Орзугул Умрзоқова навбатдаги беморни кўрикдан ўтказишмоқда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Огоҳлик

**Дунёда тинчлик деган неъмат кундан-кунга ноёблашиб бормоқда. Бу бор гап. Ҳар куни радио-телевидение, газета, журналларда кўриб, ўқиётганимиз халқаро майдондаги қирғинбарот урушлар, беҳуда қон тўкишлар, савил кетган умрлар кимни ўйлантирмайди дейсиз?!**

## ХОТИРЖАМЛИККА БЕРИЛИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ!

Шукрким, мустақил юртда тинчлик-омонликда умргузаронлик қилаяпмиз. Аммо, хотиржамликка берилишга ҳаққимиз борми? Йўқ, албатта! Ён-атрофга очиқ кўз билан қарайлик. Бир бурда нонингни тинчликда еганингга не етсин! Айниқса, биз, чегара ҳудудида яшовчи аҳолининг ҳушёрлиги бугунги кунда муҳим эканини яхши ҳис этамиз. Ахир тинчосойишта ҳаётимизга рахна солувчи кимсалар чегаралар орқали кириб келиши мумкин-ку?! Айниқса, ИШИД деган қабоҳат бутун дунёни зулматга буркашдек қора ниятини амалга оширишга жаҳд қилган ҳозирги замонда ниҳоятда эҳтиёткорлик, огоҳлик нечоғлик зарур. Бизнинг ҳушёрлигимиз озод Ватанимиз дахлсизлиги, ота-онамиз, фарзанду невара-чевараларимиз тинчлиги, омонлигидир. Шунинг учун маҳалламиз, қўни-қўшнилар хонадонларида пайдо бўлган ҳар қандай бегона кишига эътибор қаратишимиз, лозим бўлганда керакли жойга хабар бериш бурчимиздир. Мен буни ўғил-қизларимга, маҳалладошларимга ҳар куни эслатиб тураман.

Огоҳ бўлинг, азизлар!

**Тожинур РАҲИМБЕРДИЕВА,**
**Бўстонлиқ тумани, Озодбош қишлоғи фуқароси.**

Сарҳисоб

## ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

шунингдек, уй-жой қурилиши учун фоизсиз ссудалар берилди. Корхона иш берувчилари ва касаба уюшмалари томонидан олий ўқув юртида шартнома асосида таҳсил олаётган 23 талабанинг контракт пуллари қопланди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури асосида ёши улуғларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида вилоятдаги 2049 та корхонада 3233 кексага моддий ёрдам кўрсатилди. Касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 185 кекса бепул соғломлаштирилди. Шунингдек, дастур асосида пойтахтимиз ҳамда Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарларга 322 фахрийнинг саёҳати ташкил этилди.

Бирлашмамиз соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ҳам самарали ишлар олиб бормоқда. Олмалиқ шаҳрида ўтказилган "Касаба – тур"-веломарафони, Чирчиқ шаҳридаги "Аёллар спорт фестивали" ҳар бир корхона ва ташкилотда гимнастика ва велоспортни янада ривожлантириш, айни пайтда аҳоли саломатлигини тиклашда муҳим омил бўлмоқда.

Бирлашмамиз ёз мавсумида болаларни соғломлаштиришни ташкил қилиш ва ўтказишга катта аҳамият берди. 20 та болалар оромгоҳида 15 минг 535 бола ҳордиқ чиқарди. Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги умумтаълим мактабларида ташкил этилган 130 та кундузги оромгоҳда эса 17 минг 520 бола дам олди.

Мухтасар айтганда, касаба уюшмалари зиммасидаги масъулиятли ва хайрли ишлар ижросини таъминлашда "Инсонга наф келтириш – олий бахт!" мезонига қатъий амал қилаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда.

**Шавкат СОБИРОВ,**
**вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси.**

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2011 йил 2 мартда № 2513 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Матбуот даврий нашрлари" (ИНН 301349703) масъулияти чекланган жамияти Тошкент шаҳар Бектемир тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2015 йил 2 мартда № 001586-02 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Даврий почта" шўъба корхонаси (ИНН 302309538) билан 2016 йил 1 январдан эътиборан бирлашишини маълум қилади.

Тошкент шаҳар Бектемир тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан 2015 йил 2 мартда № 001586-02 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Даврий почта" (ИНН 302309538) шўъба корхонаси Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан 2011 йил 2 мартда № 2513 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Матбуот даврий нашрлари" (ИНН 301349703) масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан ҳуқуқий ворис этиб белгиланади.

Бирлаштириш натижасида, Тошкент шаҳар Бектемир тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан 2015 йил 2 мартда № 001586-02 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Даврий почта" (ИНН 302309538) шўъба корхонаси "Даврий почта" масъулияти чекланган жамияти сифатида қайта ташкил этилади. Барча даъво ва эътирозлар мазкур эълон чиққан кундан эътиборан 2 ой давомида 233-32-61, 233-81-35 телефон рақамлари орқали қабул қилинади.

**Бирлаштириш комиссияси.**

**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Яшнобод тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судиннг 18.10.2013 йилдаги 1-2772/13-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 2 400 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчасидаги 825,0 кв.м. ер майдонида жойлашган, умумий майдони 3431,0 кв.м.дан иборат "Ёшлар маркази мажмуаси биноси" қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2016 йилнинг 4 февраль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Такрорий аукцион савдосига I) Тошкент шаҳар СИБ томонидан Жиноий ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 05.12.2011 йилдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан: 1) Бошланғич нархи - 355 817 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,20 кв.м.дан иборат "тураржой"; 2) Бошланғич нархи - 1 900 129 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Подшобоғ кўчаси, 61-, 63-уйда жойлашган, умумий майдони 1090 кв.м.дан иборат икки қаватли "тураржой"; 3) Бошланғич нархи - 315 873 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Мирҳосилбой 1-тор кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий майдони 336,0 кв.м.дан иборат "тураржой"; 4) Бошланғич нархи - 353 568 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Мирҳосилбой кўчаси, 20-уйда жойлашган, умумий майдони 341,10 кв.м.дан иборат "тураржой"; 5) Бошланғич нархи - 362 031 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 10-уйда жойлашган, 501 кв.м. ер майдони, умумий майдони 227,04 кв.м.даги 5 та хонадан иборат "тураржой"лар қўйилмоқда. Такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 26 январь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

DAVR-BANK

**Халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар замирида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилгани ҳамда банк-молия тизими қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган кенг кўламли тадбирларни босқичма-босқич амалга ошираётгани яхши самара бермоқда. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари учун катта имкониятлар яратди ва энг муҳими, мамлакат аҳолисида фаровонликка ишончни мустаҳкамлади.**

**Банк тизими тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи тамойилига асосланган ҳолда мамлакатимиз ишбилармонлик муҳити вакилларининг ишончини тўла қозонишни мақсад қилган. Шу мақсад йўлида, мамлакатимиз банк тизими молиявий хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида замон талабига монанд самарали фаолият кўрсатмоқда ва халқ фаровонлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида салмоқли натижаларга эришмоқда.**

**Албатта, бунда банк тизимини самарали бошқараётган республика Марказий банки алоҳида ўринга эга.**

**Келинг, банк мижозларининг "Давр-банк" ХАТБ амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотларнинг нечоғлик самара бераётгани ҳақидаги фикрлари билан танишайлик.**

# МИЖОЗ БАНК УЧУН ЭМАС, БАНК МИЖОЗ УЧУН!

## ТАДБИРКОРНИНГ МАҲАЛЛАГА ЁРДАМИ ТЕГАЯПТИ

**Фахриддин ТУРОБОВ,**
**Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги "Хон-Чорбоғ" маҳалла фаоли:**

– Аввало, юртдошларимизни Янги йил байрами билан чин қалбимдан табриклайман. Бизнинг юртимизга фақат байрамлар ярашади. Мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ҳукм сураётгани учун жамиятимиз равнақ топаяпти, одамларимиз тинч-тотув яшаяпти. Ҳар йили қанчадан-қанча ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилмоқда. Истиқлол меваларидан ёшу кекса баравар баҳраманд бўлаяпти. Халқимиз тинч, аҳил-иноқликда осуда ҳаёт кечирмоқда. Аҳоли тадбиркорлик қилиб, оиласи билан бирга маҳалласига ҳам ёрдами тегаяпти. Тадбиркорлик орқасидан тўй-ҳашамлар қилишмоқда, уйлар қуриб, ҳовли тўйларини ёру биродарлари билан нишонламоқдалар. Мамлакатимиз раҳбари истиқлолимизнинг илк йилларидаёқ навқирон ёшларимиз юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт бунёд этишда, барча эзгу орзу-умидларимиз рўёбга чиқишида Ватанимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлади деб катта ишонч билдирган эдилар. Орадан 24 йил ўтиб, ёшларимиз бугун ҳақиқатдан ҳам барча соҳаларда Ватанимиз тараққиётига хизмат қилишмоқда. Бугун Ўзбекистон дунёга юз тутаяпти. Юртимизда ишбилармон ёш тадбиркорлар сафи кенгайиб бораяпти.

Бошқа ҳудудлар сингари бизнинг маҳалламизда шундай шижоатли ёш тадбиркорлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Таъкидлаш жоизки, тадбиркорликни ривожлантиришда банкларнинг ўрни катта бўлаётир. Банк ходимларининг ўзлари аҳоли билан учрашиб, яқиндан амалий ёрдам бераяптилар.

Одамларимизнинг кайфияти баланд. Чунки банкларнинг имтиёзлари ҳар бир хонадонга қут-барака олиб келиш билан бирга эртанги кунга ишончни ҳам мустаҳкамламоқда. Яна бир томони – банкка қўйилган омонат маблағлари ҳеч бир қийинчиликсиз аҳолининг биринчи талабиданоқ эгаларига қайтарилмоқда. Шу билан бирга, банкларнинг кўчма кассалари коммунал тўловларни тўлашимизда катта ёрдам бермоқда. Қулай имтиёзлардан яна бири, институтларга шартнома асосида кирган ёшларга таълим кредитлари берилмоқда.

Албатта, ҳар бир ота-она фарзанди бахтли бўлишини хоҳлайди. Ёшларимизнинг бахт тўйлари учун ҳам банкларда тўёна кредити жорий этилгани ота-оналарга катта имкониятлар яратаяпти.

Айниқса, коллеж битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш, энг муҳими, уларни иш билан таъминлашда ҳам банклар ёрдами катта бўлаётир. Шу билан бирга, банкларимизнинг кўмаги туфайли хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам анча ривожланди. Дўконларда ҳамма маҳсулотлар муҳайё. Савдо қилиш учун нақд пул ёки тўлов терминалими, фарқи йўқ, барчаси ишлаб турибди. Нафақат бизнинг туманда, балки бутун республикада улар кўрсатаётган амалий ёрдам эътиборга моликдир. Шунинг учун аҳолининг банкларга ишончи кундан-кунга ортмоқда.




## ИШИМ ЮРИШИБ КЕТДИ

**Абдуваҳоб АБДУҚОДИРОВ,**
**"RADUGA COLOR TRADE" МЧЖ раҳбари:**

– Имтиёзли кредит олишда ҳеч қандай қийинчиликка учрамадик, банк ходимларига керакли ҳужжатлар тўпламини топширганимиздан сўнг қисқа вақт ичида бизга 400 млн. сўм маблағ ажратилди. Уни лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган хом ашё сотиб олишга йўналтирдик. Бу соҳани ташкил этиш муносабати билан қўшимча 10 та янги иш ўрни яратилди.

Корхонамиз аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга, қурилиш ташкилотларини сифатли ва замонавий маҳсулотлар билан таъминлашга кўмаклашаётир. Бу эса, муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан уй-жойларни замон талаблари асосида қуриш ва аҳоли турмуш маданиятини оширишга оид чора-тадбирларнинг амалдаги ифодасидир. Бошлаган ишимиз билан мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Кичик бизнеснинг ривожи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар кўламини ҳам кенгайтирди. Бозор иқтисодиётининг тамойилларидан бири ҳам кучли рақобатдир аслида. Ҳалол, изланувчан, ишбилармон тадбиркорларни соғлом рақобат фақат интилиш ва янги мақсадлар сари ундайди. Асосийси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатли ва ҳамёнбоп бўлса, албатта, ўз харидорини топади. "RADUGA COLOR TRADE" МЧЖ маҳсулотлари мижозлар эътиборига тушгани боис доимий харидорларига эга.

## ҲУНАРМАНДНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЯПТИ

**Исматилла ИСАЕВ,**
**якка тартибдаги тадбиркор:**

– Халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлашда асосий кучга айланиб бораётган тадбиркорларга катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Хусусан, қўли гул ҳунармандларнинг қўллаб-қувватланаётгани фаолият турларини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳунармандларимизга тижорат банклари бераётган кўмак айни муддао бўлаётир.

Якка тадбиркор бўлиб иш бошлаш учун банкдан 200 млн. сўм кредит олиб, чармдан турли хил маҳсулот ва пойабзаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим.

Бугун мен каби кўплаб тадбиркорлар ҳунармандчиликнинг турли йўналишларида фаолият юритишмоқда.

Эришаётган ютуғимизда банк ёрдами ниҳоятда катта. Молиявий кўмак учун "Давр-банк" ХАТБдан миннатдормиз.

## «ДАВР-БАНК» ХИЗМАТИДАН МИННАТДОРМИЗ

**Аббосжон ТАЛИБОВ,**
**"Тошкент Учтепа текстиль" МЧЖ раҳбари:**

– Бизнесни муваффақиятли йўлга қўяман деган тадбиркор доимо изланишда бўлиши зарур. Бунда асосан, бозорни мунтазам кузатиб, талабга яраша таклиф билан чиқиш, маҳсулот сифати, айниқса, унинг рақобатбардошлигига эътибор қаратиш талаб этилади. Корхонамиз фаолият бошлагандан буён охирги уч йил давомида айни шу жиҳатларни устувор тутишга интилдик ва тикаётган турли кийим-кечакларимиз ички бозорда ўз ўрнига эга бўлди. Бироқ, бу соҳада бир жойда тўхтаб туриш, аниқроқ айтганда хотиржам бўлиш ярашмаслигини тушуниб етдик. Чунки, биз каби тикувчилик билан шуғулланаётган корхоналар жуда кўп, табиийки, улар ўртасидаги рақобат ҳам шунга яраша. Ҳаракатни озгина сусайтирдингизми, орқада қолишингиз, пировардида, бозордаги ўрнингизни бой беришингиз ҳеч гап эмас. Шундан келиб чиқиб, бизни асосан дастгоҳларни янгилаш масаласи ўйлантирарди. Тўғри, улар бугунги кун талабига яраб турибди. Лекин эртагачи, кун сайин янгиланаётган урф, дизайн, харидорнинг диди, ўсиб бораётган талабига жавоб бера оламизми?

Шунда дилимизда янги ғоя туғилди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиб, технологик ускуналарни замонавийлари билан алмаштирсак, маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлиги ортиб, бозордаги мавқеимиз янада мустаҳкамланмайдими? Бу фикр бутун жамоага маъқул тушди. Мутахассислар билан кенгашиб, бизнес лойиҳа тайёрладик. Асосан, хорижнинг замонавий тикув ва бошқа зарур ускуналаридан иборат технологик линияни ишга туширишни кўзда тутган лойиҳанинг молиявий таъминотига ўзимиз мижоз бўлган "Давр-банк" ХАТБнинг Учтепа филиали ёрдам қўлини чўзиб, узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратди.

Маблағ масаласи ҳал бўлгандан кейин ишнинг юришиши осон кечар экан. Замонавий тикув машиналари ва ускуналарни олиб келдик. Улар компьютер асосида бошқарилади. Бундай техникани ҳаракатга келтириш учун, аввало, зеҳни ўткир, уқувли ишчилар керак. Лойиҳа ижроси жараёнида юзага келган қўшимча 20 та янги иш ўринларига ғайратли йигит-қизларни, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини танлов асосида саралаб олдик. Эндиликда кийимлар андозасини олишдан дазмоллашгача бўлган жараёнларни пишиқ-пухта бажаришнинг уддасидан чиқаётган бу ёшларнинг ўзи тайёрлаётган маҳсулоти учун жон куйдираётганини кўриб, гапнинг рости, тўлқинланиб кетаман.

Бугун киши кўрса ҳавас қиладиган тикувчилик фабрикасига эгамиз. Чеварларимиз қўлидан чиқаётган кийим-кечаклар импорт ўрнини бемалол босади. Бу энг аввало, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожига қулай шарт-шароит яратиб берилгани, хусусан, уларни молиявий қўллаб-қувватлашда тижорат банклари имкониятларидан оқилона фойдаланилаётганига ёрқин мисолдир. Унга жавобан янада астойдил меҳнат қилиб, бозорни юқори сифатли истеъмол моллари билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўшиш жамоамизнинг шиорига айланган. Шу маънода "Давр-банк" ХАТБ жамоасининг молиявий хизматидан, мижозларга самимий муносабати ҳамда беғараз маслаҳатларидан миннатдормиз. Бундан кейин ҳам ушбу молия муассасаси билан яқин ҳамкорлик қилиб, янги-янги истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш ниятидамиз.

## ҲАМКОРЛИГИМИЗ САМАРАСИ

**Фазилат БЎРИЕВА,**
**якка тартибдаги тадбиркор:**

– Ёшликдан бичиш-тикишга иштиёқим баланд. Ҳунаримни бошқаларга ўргатишни дилимга тугиб, "Давр-банк" ХАТБнинг Учтепа филиалига мурожаат қилдим. Масъул ходимлар лойиҳамни қисқа вақт ичида кўриб чиқиб, 35 млн. сўм кредит ажратдилар. Унинг асосий қисмига хом ашё ва керакли тикиш анжомларини сотиб олдим. Ҳозир бу ерда 4 хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Маҳсулотимиз харидоргир. Сабаби, улар айнан мижозларимиз талаб ва истакларига мослаб ишлаб чиқарилмоқда.

Банклар кредитидан самарали фойдаланиш юксалишга олиб келишини ўз тажрибамда кўрдим. "Интилганга толе ёр", деб бежиз айтишмаган экан. Банклар билан тадбиркор ҳамкорлиги халқимизнинг фаровонлигига хизмат қилаётганидан жуда хурсандман.

## ТАДБИРКОРЛАР ХОНАСИ ДОИМО ГАВЖУМ

**Икром РОЗИҚОВ,**
**"ASAL SHIRIN NON" МЧЖ раҳбари:**

– Халқимиз нонни азиз неъмат сифатида қадрлайди. Дастурхонга, аввало, нон тортилади. Зувала тайёрлашдан тортиб, тандирдан узиб олишгача бўлган юмуш асосан хотин-қизларимиз зиммасида. Кўп меҳнат талаб қиладиган бу юмушни енгиллаштириш мақсадида мамлакатимизда нон ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун шаҳримизнинг хоҳлаган тижорат банкига борсангиз, орзу-умидларга тўла мижозларга кўзингиз тушади. Банкларда тадбиркорлар хонаси ташкил этилган бўлиб, барча шароитлар яратилган.

Тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида "Давр-банк" ХАТБнинг Учтепа филиалига бизнес лойиҳамни тақдим этдим. Кўп ўтмай, 150 млн. сўм кредит олдим. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада кунига 30 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз. Олинган кредит натижасида яна 5 нафар ёш ишли бўлди.

## КЕЧАГИ БИТИРУВЧИ БУГУН ТАДБИРКОР

**Санжар РУСТАМОВ,**
**"FLUKE MEBEL" МЧЖ раҳбари:**

– Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон! Ушбу сўзлар қалбимизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Шундай улуғ юрт фарзанди эканлигимиздан, унда яшаётган ҳар бир фуқаронинг инсоний қадр-қиммати Ватаннинг ўзи каби улуғлигидан, ҳар қандай ҳолатда юрт Президенти ва қадрдон Ватан бизга таянч бўлишидан чек-чегарасиз бахт, ҳузур-ҳаловат ҳиссини туямиз. Бугун юртимизда муҳтарам Президентимиз томонидан биз, ёшларга катта имкониятлар яратилган.

Кўплаб ёшлар коллежни тамомлагандан сўнг олий ўқув юртида севган касблари бўйича ўқишни давом эттираётган бўлишса, айрим тенгдошларим тадбиркорлик қилиб, юрт иқтисодиётига ҳисса қўшишмоқда. Мен Олмазор политехника касб-ҳунар коллежини тамомладим. Коллежда ўқиб юрганимда банк ходимлари келиб, тадбиркорликни йўлга қўйиш бўйича амалий маслаҳатлар беришарди. Ўшанда тадбиркорликка қизиқиб, мебель ишлаб чиқариш соҳасини танловдим. Ниҳоят, коллежни битириб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга киришдим. Бироқ, орзу қилган билан маблағ бўлмаса қийин экан. Шунда "Давр-банк" ХАТБнинг Олмазор филиали ходимларига мурожаат қилдим. Улар лойиҳамни қўллаб-қувватлаб, менга 8 млн. сўм кредит ажратиб беришди. Ушбу маблағга тахта-ёғоч сотиб олдим. Ҳозир соф фойда ойига 3-3,5 млн. сўмни ташкил этмоқда. Биринчи даромадимдан ота-онамни баҳраманд қилиб, дуоларини олдим. Бу бир умр эсимда қоладиган бўлди. Бугун нафақат оилам, балки маҳаллам ободлигига ҳам фойдам тегаяпти. Энг муҳими, корхонамда 6 нафар тенгдошим меҳнат қилаяпти.

Кечагина коллежни битирган эдим, бугун катта тадбиркорман. Ишлаб чиқараётган мебелларим аҳолига маъқул бўлмоқда. Шу даражага етишимга ёрдам берган банк ходимларига миннатдорчилик билдираман. Ишонч билан айтаманки, ҳақиқатдан ҳам банклар биз ёшларнинг ишончли ҳамкоримиз ва таянчимиз. Банк ходимларининг фидокорона меҳнати мен каби ёшларнинг орзулари ушалишида, ғоялари амалга ошишида катта имкониятлар яратаётгани таҳсинга сазовордир.

## КРЕДИТ ОЛИШДА ҚИЙНАЛМАДИК

**Фазлитдин САИДОВ,**
**"Baraka Plast Product" МЧЖ раҳбари:**

– Корхонамиз алюминдан эшик ва ромлар ишлаб чиқармоқда. "Давр-банк" ХАТБнинг Учтепа филиали ажратган кредит маблағлари ҳисобига янги дастгоҳ сотиб олиб фаолиятимизни кенгайтирдик. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига пул маблағлари айланмаси ортди, янги иш жойи ташкил этилди.

Молиявий кўмак бергани учун "Давр-банк" ХАТБнинг Учтепа филиалига миннатдорчилик билдирмоқчимиз. Бу банкда кредитлаш тизимли йўлга қўйилгани, кредитлар масаласи тез кўриб чиқилиши мижозлар учун жуда қулайдир.

## ЎЗ МАБЛАҒИМГА ЭГА БЎЛДИМ

**Олимжон АҲАДОВ,**
**"Самара Унум" фермер хўжалиги раҳбари, Пайариқ тумани:**

– Муҳтарам Президентимизнинг "фермернинг орқасида мен турибман" деган сўзлари барча фермерлар қатори менда ҳам хўжалигимни янада ривожлантиришга катта ишонч уйғотди, ғайрат-шижоат бағишлади. Яхши ниятлар билан аҳолига сифатли гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб бериш учун наслли мол сотиб олдик. Албатта, бу иш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунда "Давр-банк" ХАТБнинг Мирзо Улуғбек филиалига мурожаат қилиб, қисқа вақт ичида олган 680 млн. сўм кредит катта мадад бўлди.

Ҳозирги кунда туман аҳолисига сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Банкларнинг фермерларга кўрсатаётган ёрдами таҳсинга лойиқ. Биргина мисол: пахта ёки ғалла экишдан бошлаб, ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар бўлган машаққатли ишни, албатта, банкнинг кўмагисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўз вақтида ерга минерал ўғит бермасангиз кўзлаган ҳосилингизни ололмайсиз. Ёки дейлик, туманимизда кўпгина фермерлар банкларнинг кўмаги билан интенсив боғлар барпо этишмоқда. 3 йил олдин олма, нок каби ҳар хил мевали дарахтлар эккан фермер бугун тонналаб ҳосил олиб, туман аҳолисининг дастурхонини таъминламоқда.

Банк туфайли катта орзуимга эришдим, ўз маблағимга эга бўлдим.

## ДАСТУРХОН ТЎКИН БЎЛАДИ

**Сардорбек АБДУВАЛИЕВ,**
**коллеж битирувчиси, Бўка тумани:**

– Фермерларнинг фаолияти кўп тармоқли бўлиб, чорвачилик, паррандачилик, полиз, сабзавот маҳсулотлари, мева етиштиришни кўпайтиришга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, ҳосилдорликни оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Биз ҳам халқимиз дастурхонини арзон гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлдиришга астойдил бел боғлаб, чорвачиликни ривожлантиришга аҳд қилдик. Шу мақсадда нуфузли банклардан бири "Давр-банк" ХАТБнинг амалиёт бошқармасига мурожаат этдик. Банк маъмурияти қисқа фурсатда зарур кредит маблағини ажратиб берди. Мақсадимиз – қорамоллар наслини яхшилаш, кўпайтириш ва янги иш ўринлари барпо этишдир. Ёш тадбиркор сифатида юртимиз аҳолиси дастурхонини сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга ҳисса қўшмоқчиман. Ⓣ

